O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил. 12 октябр | 37(210)- сон

**БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ II ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ. УНДА БАРЧА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАН ВАКИЛЛАР ИШТИРОК ЭТАДИЛАР. АНЖУМАН ИШИГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ.**

## ИНСОН ОЗОД БЎЛИБ ТУҒИЛАДИ

Юртимизга, ниҳоят, «саҳарларда қон туфурган» асрлар сўнгида қутлуғ Ҳуррият келди. Ўзбек халқи, унинг тарихи 1991 йилнинг 31 августигача лахта-лахта қон ютди. Гулдек қизлари эгатларга қўшилиб ёнди. Совет касалхоналари сўнгсиз зулмдан, оғир меҳнатдан эзилиб, ириган жигарлар ҳидига тўлиб кетди. Содда, меҳнаткаш халқи ўз тилини деярли йўқотаёзди. Мутлақ ҳукмрон Коммунистик партиянинг айтгани айтган, дегани деган эди. Бир парча қизил «партбилет» одамлар қисматини ҳал қилувчи кучга айланди. Хотиралар тўнгиб, руҳнинг озод товуши йўқликларга деярли сингиб кетай, деган бир вазиятда Улуғ Халоскор бўлиб келди Истиқлол!

У бир қуёш бўлиб келди зулмат чулғаган Юртга. Унинг нури тўнглаган шуурларни иситди, қуриётган онг ва идрокка ҳаёт ато этди, бевақт қарсиллаб синиб кетган Ватан чинорларининг қайта барг ёзаётган ўсмир ниҳолларига қудрат ато этди. Ўт бағридан зуволалар узиб, миллий уйғониш довулларида ўз партияларини дунёга келтирди. Шундай партиялардан бири «Миллий тикланиш» бўлди.

Истиқлол бўлмаса, у туғилмас эди. Бугунги кунда — сайловолди ҳаракатларида ўктамлик билан ўз сўзини айтаётган, сиёсий ҳокимият учун курашаётган ранг-баранг сиёсий кучларнинг — партияларнинг ёнида турмас эди. Зотан, кўппартиявийлик демократияни чуқурлаштириш омилларидан бири саналади. «Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриқлари ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим», дейди муҳтарам юртбошимиз. Шу маънода «Миллий тикланиш» партияси ҳам мамлакатда кучли фуқаролик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш тарафдори бўлиш билан бир қаторда Ўзбекистонда миллий давлат барпо этиш концепциясига асосланади. Шонли тарихини деярли унутаёзган халқнинг руҳиятида миллий тикланиш жараёнларини тезлаштиради, истиқлол учун курашиб азиз жонларини фидо қилган, «Ватаннинг мунгли хаёлларига» айланган қисматларни руҳоният кўзгусида кўрсатади. Миллий қурилиш жараёнларида ўз тамойилларини намоён қилади. Қалбни эски жамиятнинг жирканч қуллик асоратларидан фориғлайди. Халқнинг тафаккурини миллий уйғониш гулханлари билан шуълалантиради. Зотан «Миллий тикланиш» партияси Истиқлол мафкурасини амалга ошириш йўлида сафларини буюк зиёлилар сафи билан муттасил тўлдириб борувчи партиядир. Миллий тикланиш — у руҳият иқлимларида кечадиган жараён. Инсоннинг руҳи эркин, озод бўлмаса, у ўзида яшириниб ётган «мен»ини уйғотмаса, қобилияти ва истеъдодини ривожлантиришга ўзида куч топмаса, меҳнат қилиш эркини тўлалигича ҳис қилмаса, ўз қадр-қимматини англаб етмаса, бундай инсоннинг руҳида ҳеч қачон тикланиш дунёга келмайди. Шу маънода «Миллий тикланиш» инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада чуқуррок англатадиган, уйғотадиган партиядир. Уйғонган кўнгилнинг кўзлаган манзиллари ҳам ёруғ ва ёқимли бўлади. Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, илмга, ички бир нурга таянар экан, у жамият тараққиётида, унинг тикланиш йўлида ўз фуқаролик бурчини сидқидилдан адо этади. Далада мўл ҳосил етказиш учун ҳам деҳқон зироатчилик илмидан тўла бохабар бўлиши керак. Партия дастури лойиҳасида фуқароларнинг кенг ва фаол тарзда сиёсий жараёнларда иштирок этиши ҳозирги давр миллий тикланишининг муҳим белгиларидан бири сифатида белгиланган.

Табиийки, ҳар бир инсон ҳаёт кечириш мобайнида давлатнинг ижтимоий ҳимоясига таянади. Миллий тикланиш партияси миллат баркамоллиги ва фаровонлиги йўлида хусусий мулк ва эркин тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш томонида туради. Жамият барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни амалга оширишда кескин мулкий тенгсизликларни четлаб ўтадиган солиқлар сиёсатида ёқлайди.

Партия жамият ривожидаги ўқ томир — оила ва аёлнинг миллат ривожидаги ўрнига алоҳида тўхтайди. Она учун фарзанддан азиз, фарзанддан ширин ҳилқат йўқ. Шарқ оналари ўзининг ўта фидойилиги, илми, заковати, она Ватанга бўлган туганмас муҳаббати билан асрларни ҳайратга солиб келган. Донишманд Шарқ учун оила ҳамиша муқаддасдир. Аёлларимиз эркаклар ёнида ўз ақли, фаросати, зукколиги билан давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этганлар. Маликалар бўлиб юрт сўраганлар, от минган, фарзандларини шерюрак, она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаганлар.

Миллий тикланиш партияси дастурида аёлнинг жамиятдаги ўрни — бу миллат уйғониши, юксалишини белгилайдиган улкан ҳодиса эканлиги қайд этилади. Аёл меҳнатини муҳофазалаш, иш соатларини қисқартириш, болалар тарбияси учун етарли шароит яратиш, ҳар қайси жабҳадаги иштироки бу — зарурий жараёндир. «Оила ва аёл жамият давлат томонидан муҳофаза этилиши лозим. Оила янги миллий руҳдаги баркамол ёшларни шакллантиришнинг асосий манбаи эканлигини эътиборга олиб, унинг бу соҳадаги фаолияти, моддий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлардан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши зарур. Айниқса, ишловчи оналар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, шунингдек, оиладаги болалар ва ўсмирларни жамият учун муносиб инсонлар бўлиб шаклланишига доир таълим ва тарбиявий ишлар учун оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, давлат органлари масъул эканлиги партия фаолиятидаги дастурий мақсад йўналишларидан биридир. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий меҳнатдан муҳофаза қилинади», — дейилади дастурда.

Бу ерда яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтишни истар элим. Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг 51 фоизини аёллар ташкил қилади. Дастурнинг ушбу бобига бироз қўшимчалар — Аёл ҳуқуқлари — Аёлларнинг шахсий ҳуқуқлари, оиладаги ҳуқуқлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари, маданий ҳуқуқлари, аёлларнинг ҳуқуқлари ҳақида қўшимчалар киритиш жоиздек туюлади.

Чунки аёл руҳиятидаги миллий уйғониш, миллий тикланиш ўз ҳуқуқларини четлаб ўтиб содир бўлмайди. Баркамол авлод тарбияси учун ҳам, аёлнинг жамиятдаги тўлақонли иштироки ана шу ҳуқуқлар призмасидан ўтади. Қадимий Шарқ оналари мактаби — аслида аёлнинг қалбида туғилиб, ўша жойни ижтимоий макон айлаб, сўнгра жамият тараққийсига ўз таъсирини ўтказган. Тарихга синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, дунё тараққийси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган юзлаб даҳоларимиз учун илк тарбия Шарқ оналари мактаби бўлган. Мустақил юртимизда демократиянинг чуқур илдиз отишида, юрт қаддининг адл бўлишида, болаларнинг она Ватанга чексиз фидойи бўлиб ўсиши учун оналар онгида жиддий ўзгаришлар ясайдиган вақт келди. Бу табиийки, Миллий тикланиш партиясининг ўз фаолияти мобайнида олиб бориши керак бўлган ўзига хос, жиддий йўналишларидан биридир.

Аёлларнинг сиёсий майдонга чиқишлари учун ҳам имкониятни мустақил давлатимиз ва унинг устувор қонунлари таъминлайди. Бироқ аёлнинг сиёсий онгини ривожлантириш, сиёсий ҳуқуқини шакллантиришда биз бутун жаҳонда кузатилаётган демократлаштиришга ўтишни ҳам бир қур назардан ўтказиб олсак ёмон бўлмайди. Тўғри, дунё миқёсида ҳаёт бироз жонланган, аммо асосий қарорлар қабул қилишда хотин-қизларнинг эркаклар билан тўла ҳуқуқли ва тенг шериклар сифатида оммавий иштирок этишга, айниқса сиёсатда ҳали эришилгани йўқ. «Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг шароитлар асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ва оммавий сайланадиган органлар сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;

в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

«Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенциянинг 7-моддаси».

Мустақил Ўзбекистоннинг асосий қонунлари фуқароларнинг, шу жумладан аёлларнинг давлат иш-

**Давоми иккинчи бетда**

## XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

**●ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

**●УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**

ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



**— «Миллий тикланиш»га ёзилсак, обу ҳаволар яхши бўлар эмиш, — дейди Дилдора Рустамова.**

**— Ҳа, — деб қўшилади унга дугонаси, — шу ўтиришимизга фақат «Миллий тикланиш» етишмаяпти...**

## ТИКЛАНИШ МОДЕЛИМИЗ

Мен Ўзбекистон Республикаси «Миллий тикланиш» Демократик партиясининг сайловолди дастурини диққат билан ўқиб чиқдим. Партиянинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари, ижтимоий соҳадаги режалари, иқтисодий ва стратегик интилишлари, маънавият жабҳасида, ёшлар онгини баркамол шакллантириш масалаларидаги фикрлар, айниқса, маъқул бўлди. Ва шуниси қувонарлики, Миллий тикланиш партиясининг барча мақсадлари ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга, мустаҳкамлашга қаратилган. Модомики, биз демократиянинг ўзига хос шарқона ўзбек моделини танлаган эканмиз, бизнинг партиямиз айрим Оврупо мамлакатларининг бири иккинчисининг дастурини, сиёсатини инкор қиладиган раҳнамолари бир-бирининг ўта шахсий ва оилавий ишларига очиқ ва хуфия бурун суқадиган, тирноқ остидан кир қидириб, фақат ҳокимиятга интиладиган «кўппартиялик» курашларига асло тақлид қилмасликларига ишонаман. Биз асрий орзуларимиз бўлган мустақилликка эришдик. Ва маълум бўлдики, душманларимиз ҳам йўқ эмас экан. Бас шундай экан, барча сиёсий партияларимиз ўз мақсадларини мудом ва муттасил давлатимиз сиёсий-иқтисодий, мудофаавий, маънавий ва моддий қудратини оширишга қаратмоғи, шу йўлда курашмоғи керак.

Миллий тикланиш партияси раисининг ойнаи жаҳонда тележурналистлар билан суҳбатлари, савол-жавоблар партиянинг ўз олдига қўйган мақсадларини янада ойдинлаштирди. Айниқса, партиянинг давлат тили хусусидаги режалари йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш даври сиёсати, менимча, кўпчиликнинг кўнглидаги гап. Ҳеч кимга сир эмас, кўпгина нуфузли ташкилотларнинг фақат расмий ҳужжатлар ва хатлар битиладиган бланкаларигина давлат тилида. Шунингдек, ўртача нуфузли кўпгина ташкилотларнинг ҳисоб-китоб бўлимлари мутахассислари давлат тилини билмасликлари туфайли Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси сингари юқори нуфузли давлат маҳкамаларига ҳар хил ҳисоботлар бошқа тилда жўнатилади. Ваҳоланки, бундай ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари давлат тилида соф сўзлайдиган адиблар, олимларимиздир. Яна шуни айтиш мумкинки, айрим ташкилотларда уч-тўрт фоиз давлат тилини билмайдиган хизматчилар тушунишлари учун ҳам мажлислар яна бошқа тилда ўтказилади. Менга масалан: Тошкент Авиасозлар заводи дарвозасидаги ҳар бир ҳарфи туядай келадиган (Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейинги йилларда ўрнатилган) ГАО ТАПО №4 деган ёзув гўё давлат тилига ва босқичма-босқич изчил ўтилаётган лотин алифбосига «қўлқоп ташлаётгандай» туюлади.

Энди «Миллий тикланиш» партиясининг газетаси хусусида икки оғиз сўз. Агар «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» етакчи сиёсий газеталар бўлса, бошқа кўпгина газета ва журналлар иқтисод, ҳуқуқ, адабиёт, санъат каби маълум бир йўналишларга иқтисослашган. Аммо «Миллий тикланиш» газетаси ўз ичига барча соҳаларни қамраб олади. Бу газетада таниқли санъаткорлар ҳақидаги мақолалар билан бирга физик ёки химик олимлар билан суҳбатлар, саноати ривожланган шаҳарлардан репортажлар ёнма-ён чоп этилади, газета саҳифаларида зиёли маданий ҳаётимиз тасвирий санъат, тарих, адабиётшунослик, тилшуносликка оид, ҳуқуқ ва иқтисод соҳалари ҳам тенг ва кенг ёритилади. Бугунги кунда газета том маънода зиёлилар газетаси бўлиб бормоқда.

Газета ўз саҳифаларини илм оламига, адабиёт ва санъатга илк қадамларини қўяётган ёшларга ҳам бағишламоқдалар, бу ҳар бир навниҳол истеъдод учун катта мадад ҳамда ўз кучига ишонч туйғуларини шакллантиради.

Сўз зиёлилар газетаси сифатида нуфузи кундан-кунга ошиб бораётган нашр хусусида борар экан, яна газета бош муҳаррирининг ойнаи жаҳон орқали айтган маблағ хусусидаги сўзларига қайтгим келади. Бу сўзлардан биз газета чиқариш қанчалар қийинчилик билан бўлаётганини англадик. Биз мухлислар ҳам газетамиз учун нимадир қилишимиз зарур. Эҳтимол партия аъзоларининг бадал тўлашларини қатъий йўлга қўйиш керакдир. Айтайлик, бир ойда 30 сўмдан. Менимча, бу партиянинг ҳам, газетанинг ҳам моддий аҳволини бир мунча яхшилаши мумкин. Умуман, Миллий тикланиш партиянинг сайловолди дастурини диққат билан ўқиб, фаолияти билан танишиб шундай хулосага келдим. Бу партиянинг республикамиз Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатаётган номзодлари, умид қиламизки, халқимиз олдидаги бурчларини бажарадилар.

**Гулнора РАҲМОН**

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

### АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Америка ҳукумати Bank of New-York ишини текшириш доирасида 7 миллиард долларга яқин маблағни ҳисоб рақамлари орқали бошқа ноқонуний ўтказишда гумон қилинаётган уч нафар жисмоний шахс ҳамда учта компанияга айблов эълон қилди, деб хабар берилади матбуотда. Bank of New-York яқингача раҳбарлик лавозимини эгаллаган Люси Эдварс, унинг эри, Benex компанияси президенти Петр Берлин, шунингдек, шубҳали битимларда қатнашган Torfinex компаниясининг президенти Алексей Волковга ҳам айблов эълон қилинган. Бундан ташқари, Россиянинг маблағларини ўз ҳисоб рақамлари орқали ўтказиб турган деб ҳисобланаётган Benex, BECS International ва Torfinex компаниялари ҳам жавобгар ҳисобланди. Айблов ҳукми чиқарилган тақдирда П. Берлин ва А. Волков ўн беш йиллик қамоқ жазосига ҳамда 750 минг доллар жаримага тортилиши мумкин. Бу ҳолда Л. Эдварс 5 йилгача қамоқ жазоси олиб, 250 минг доллар жарима тўлаши мумкин.

### АЁЛЛАР МУАММОСИ

**АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Афғонистондаги толибон ҳаракатининг хотин-қизларга муносабатини танқид қилди. У аёллар муаммосига бағишланган Калифорниядаги анжуманда сўзга чиқиб, толибонлар афғон аёлларини ўрта аср қонунлари бўйича яшашга мажбур қилиш истағидадир, деб айтди. Олбрайтнинг сўзига қараганда, жаҳон ҳамжамияти толибон ҳаракати раҳбариятига толибларнинг аёлларга муносабати уларнинг халқаро тан олиниш йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири эканини англатган.**

### ЯДРО СИНОВЛАРИГА ҚАРШИ

БМТ бош котибининг ўринбосари Луиз Фрешотт барча мамлакатларни уч йил аввал тайёрланган ядровий синовларни таъқиқлаш тўғрисидаги кенг қамровли шартномани имзолашга чақирди. У мазкур ҳужжат кучга киришининг чўзилиши синовларнинг қайта тикланишига олиб келишини маълум қилди. Шартномани 154 давлат имзолаган бўлса-да, юридик кучга эга бўлиши учун уни яна 18та давлат ратификация қилиши зарур. Президент Клинтон мазкур шартномани Америка Сенатида ратификация қилиниши учун қизғин компания олиб боряпти, бироқ Республикачилар партиясининг кўпчилиги томонидан бунинг қўллаб — қувватланмаётгани ҳужжатнинг тасдиқдан ўтишига кам имкон қолдиряпти.

### ТОМОНЛАР КЕЛИШУВИ

**Исроил ва Фаластин томонлари фаластинликлар назоратида бўлган Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо сектори ҳудудини бирлаштиришга имкон туғдирадиган йўлни очишда хавфсизлик чоралари тўғрисида келишиб олди. Қирқ километрлик бу йўл фаластинликларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга Исроил ҳукумати қаршилингисиз ўтиб-қайтиб туришига имкон беради. Мазкур битим Фаластин мухторияти учун рамзий аҳамиятга эга бўлиб, шу пайтга қадар бу ҳолат Исроил ҳудуди томонидан иккига бўлиб ташланган фаластинликлар жамоаси учун турмуш кечиришида, таълим ва савдо-сотиқ ишларини олиб боришида катта қийинчиликларни туғдирарди.**

### РОБОТЛАР АСРИ КЕЛМОҚДА

БМТ эълон қилган янги ҳисоботга мувофиқ, уй-рўзғорда шахсий компьютерлар ва уяли телефонлардан кейин роботлар инқилобий янгилик бўлиши кутилади. Улар яқин ўн йилликда аввал бой хонадонларда, сўнгра, технология ривожи ва нархлар арзонлашуви билан оддий хонадонларда идишларни ювиш, чиқиндиларни йиғиштириш, гулзорларни парваришлаш билан шуғулланади.

Ҳисоботдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 2002 йилда одамларга ярим миллион робот-чангютгичлар хизмат кўрсатади. Айни вақтда, бунинг тескариси, яъни саноат роботлари савдоси пасайиши кузатилмоқда. Шарқий Осиё мамлакатларида, аввало саноат роботларининг ярми меҳнат қилаётган Японияда юз берган иқтисодий инқироз бунга сабаб бўляпти, дейиш мумкин.

**«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»**

## ЭНГ ЙИРИК ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛОЙИҲАСИ

«Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқларини замонавийлаштириш ва кенгайтириш» лойиҳасининг муваффақиятли ниҳоясига етказилиши 2010 йилга қадар мўлжалланган телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш миллий дастурини бажаришнинг муҳим босқичи ҳисобланади, деб таъкидлади ушбу лойиҳа тақдимотида сўзга чиққан Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари Лерик Аҳмедов.

Мазкур тақдимот маросими пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори Ф. Абдуллаевнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига маълум қилишича, 1998-99 йилларда Япониянинг OECF жамғармасининг 12,7 миллиард иен ҳажмидаги маблағини ўзлаштириш натижасида мазкур улкан лойиҳани амалга оширишга имкон туғилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йили Японияга ташрифи пайтида ушбу кредитни ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганди. Мамлакатимизнинг йирик минтақаларидан бири — Оролбўйида — Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 252 минг номерли АТСлар бунёд этилди. «Ушбу иншоотларнинг ишга туширилиши туфайли маҳаллий АТСлар жами сиғимининг учдан бир қисми рақамли электрон ускуналар негизида, ўндан зиёд қўшимча хизматлар кўрсатиб ишлай бошлади», деб таъкидлади Ф. Абдуллаев. Бундан ташқари, тола-оптик кабелларни қўллаш орқали қарийб 2 минг километрлик магистрал ва минтақалараро алоқа йўналишлари, рақамли радио релели алоқа тармоқлари қурилди. «Муҳими шуки, мазкур минтақанинг барча абонентлари ТАЕ-ВОЛС халқаро телекоммуникация тармоғига бириктирилди», деб қайд этди Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг бош директори.

Тақдимотда Япониянинг «НЕК» компанияси вице-президенти Я. Кайто сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан амалий алоқалар 1991 йилда, Тошкентда йўлдош алоқаси ер усти станцияси ва халқаро телефон станцияси қурилаётган пайтларда ўрнатилганини қайд этди. Бу лойиҳалар мустақил Ўзбекистонни бутун дунё билан тўғридан-тўғри боғлади. Ҳозирда эса ички миллий телекоммуникация тармоқларини замонавийлаштиришнинг муваффақиятли якунланганини нишонлаяпмиз. Бу тизим мутахассисларимизнинг фаол иштироки кўмагида барпо этилди, шундай муҳим лойиҳада қатнашиш «НЕК» учун улкан шарафдир, деди компания вице-президенти.

Яна бир япон компанияси «Мицуи»нинг коммуникация, транспорт ва саноат соҳалари лойиҳалари бўйича гуруҳ раҳбари Х. Йошида Ўзбекистон билан келгусида ҳам ҳамкорлик қилишга умид билдириб, хусусан шундай деди: Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро муносабатлар бундан кейин ҳам мустаҳкамланади ва яқин келгусида Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги улкан истиқболларга эга. Шу йил март ойи охирида Япония ҳукумати телекоммуникация лойиҳаси иккинчи босқичини амалга ошириш учун 12,7 миллиард иен миқдорида яна бир кредит ажратди. Ўзбекистон ҳукумати қарори билан мазкур лойиҳа тасдиқланди. Мамлакатимизнинг ғарбий вилоятларида телефон тармоқлари сиғимини 40 минг номерга кўпайтириш, алоқа тармоқларини автоматик бошқариш республика марказини қуриш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг шимолий вилоятларида телерадиоузатиш қурилмаларини замонавийлаштириш режалаштириляпти.



**Пахта йиғим-терими авж паллага кирди. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Б. Умрзоқов номли хўжаликнинг илғор теримчилари Янглиш ва Меҳринисо Гулмуродовалар фермер хўжалик раиси билан.**

**Нуриддин Маҳкамов олган сурат.**

# ИНСОН ОЗОД БЎЛИБ ТУҒИЛАДИ

**Боши биринчи бетда.**

ларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз ваколатлари орқали иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқлайди (32-модда). Бироқ, аёлларимизнинг бугунги кунда сиёсий партиялардаги иштироки жамият ривожидаги фаолликларини ҳисобга оладиган бўлсак, нафақат Миллий тикланиш, балки барча партияларимиз олдида катта, жиддий, ўта масъулиятли вазифа — аёл ҳуқуқлари ва илмига жуда катта йўл очиб беришимиз каби, курашишимиз каби долзарб вазифалар турганининг гувоҳи бўламиз. Аёл жамиятдаги сайловларнинг бекаси бўлиши керак. У ўзи учун, боласи, миллати, келажаги учун овоз бериш масъулиятини ҳис қилиши учун ҳар томонлама имкон яратмоғимиз керак. Чунки аёл руҳиятида уйғониш, аёл иқлимидаги тикланиш — бу бутун жамият руҳиятидаги уйғониш ва тикланиш демакдир.

Дунё харитасида қизиқ рақамларга дуч келамиз. Норвегия ва Финляндия парламентларида аёллар вакиллиги эркакларнинг бешдан тўрт қисмини ташкил қилади. Яъни, парламентларда уларнинг вакилликлари энг юқори даражададир. Сўнгра бу ўринни Швеция ва Дания эгаллайди. Қолган 55 мамлакат парламентларида аёллар вакиллиги 5 фоиздан камроқни ташкил қилади.

Бутун дунё қонунчилик олий органларидаги ўринларнинг 90 фоизини эркаклар эгаллайди.

Шимолий Оврупо мамлакатларининг раҳбар лавозимларида аёллар улуши 60 фоизни ташкил қилади.

Шу маънода Миллий тикланиш демократик партияси аёлларни тўлақонли ҳаётларига эришишларига ҳалақит берувчи патриархал муносабатларга барҳам бериш учун сай-ҳаракатда бўлади.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг тенг ҳуқуқли иштироки энг оддий адолат ва демократия талаби бўлибгина қолмай, балки аёлларнинг манфаатларини ҳисобга олинишини таъминлайдиган зарур шарт ҳамдир. Чунки, аёлларнинг фаол иштирокисиз жамиятдаги Тенглик, Тараққиёт, Тинчлик тарозисининг мувозанати бузилади.

Партия, шунингдек, миллий кадрлар тайёрлашга доир ҳукумат олиб бораётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, мамлакат ёш авлод учун — унинг руҳияти учун миллий тикланиш сув ва ҳаводек зарур эканлигини, шунингдек, партия ушбу сиёсат ривожида ҳар бир ёшнинг истеъдод ва қобилиятларини ҳисобга олган, рағбатлантирган ҳолда уларнинг комил инсон бўлиб етишишларида парламент, давлат ва унинг маҳаллий органлари воситасида фаолият кўрсатиш партиянинг барча ташкилотлари, депутатлар фракциялари, ҳокимиятдаги вакилларининг миллий бурчи ва фуқаролик масъулияти эканлигини билдиради.

Партия дастурида яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтишни истар эдимки, бугунги кунимизда катта муаммолардан бўлиб турган ёшлар орасидаги ишсизлик муаммоларини босқичма-босқич ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида тўхталиб, унинг ҳозирги кундаги ечими оилавий бизнесни тараққий эттириш ва ишчи кучининг экспорти орқали бўлиши мумкинлиги хусусида тўхталади. Жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, бу ўзини оқлаган самарали бир имкон эканлиги ҳам диққатга моликдир. Бу қандай амалга ошади: партия ишчи кучини экспорт қилиш мақсадида махсус фонд тузишни таклиф этади. Умуман, жамиятнинг истиқболини ёшлар ҳал қилиш нуқтаи назаридан бу масалани таҳлил қиладиган бўлсак, Миллий тикланиш партияси ёшлар қалбида илмга кучли иштиёқ уйғотиш, уларнинг касб-ҳунарли бўлишини таъминлаш, фикрини турли оғулардан асраш, шу юртнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишларини ўз олдига қўйган катта вазифалардан деб билади.



Партия дастурида иқтисодий соҳалардаги яқин вазифалар, ўрта муддатли вазифалар, стратегик вазифалар ҳам нозиклик ва оқилона қамраб олинган. Шу ўринда, Миллий тикланиш партияси нафақат зиёлилар, балки жамиятнинг ҳамма қатламлари учун бирдек хизмат қилувчи, уйғотувчи партиядир. Партия иқтисодиётни Ўзбекистон жамияти тараққиётининг бирламчи омили эканлигига урғу беради. Маънавият ҳам шундан келиб чиқиши кераклигини, умуминсоният маънавий меъёрларини бозор маънавияти меъёрлари билан уйғунлаштириш тарафдори ва шу уйғунликда миллий маънавият ўз ўрнини топиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Партия маънавият соҳаларида ҳам ўз дастурини изчил давом эттиради. Маънавий жиҳатдан баркамол жамият — бу инсоният ривожидаги серҳосил мевали боғга ўхшайди. Ҳар қандай маънавий тубанликлардан ҳоли бўлган жамият фуқаролари тўлақонли яшаш имкониятига эга бўладилар. Уларнинг яшаш, фикрлаш, меҳнат қилиш ҳуқуқлари — давлат томонидан муҳофазаланган барча ҳуқуқлари маънавият дарёсидан сероб бўлади. Инсон ҳар қанча моддий бойликка эга бўлмасин, у барибир маънавий бойликни қўмсайди, унга зориқади. Яқинда Россия матбуотида қизиқ бир материалга кўзим тушди. Кўпчиликнинг умрига завол бўлган қотил ажойиб шеърлар ёзар экан.

Ватан туйғуси маънавиятнинг бош мезони эканлиги, миллий қадриятлар, Шарқ маънавияти ва маданияти, фалсафий тафаккури — умуминсоний ахлоқ ва маънавий ўчоқлари эканлиги партия дастурининг диққат-марказидаги йўналишдир.

Ўзбек тилини миллий маданиятимизни ифодаловчи ва маънавиятнинг етакчи омили деб билиш, уни халқаро, расмий муносабатлар тили даражасига кўтариш, давлат тилини миллий бирдамлик манбаи ва рамзига айлантириш борасидаги давлат сиёсатини изчил давом эттириш Партиянинг ўз олдига қўйган яна бир муҳим вазифаларидан биридир.

Шунингдек, партия жамоат ташкилотлари ва давлат органлари билан ҳамкорлик соҳаларида ўз қарашлари ва принципларини ўртага ташлайди. Фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуриш ишида иштирок этиш — Партия фаолиятининг мазмунини белгилайди.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти»га ўтишда партия ўзини қандай намоён қилади.

— Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади. Олий Мажлисдаги фаолиятида партиянинг «Миллий тикланиш ва бирдамлик тараққиётимиз асоси» деган ўз шиорига асосланади. Сайловларда ўз вакилларининг давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида иштироки бўлишига ҳаракат қилади.

Барча жамғармалар, марказлар, ташкилотлар таркибидаги ўз аъзолари орқали ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсати рўёби учун ҳаракатда бўлади.

Сиёсий партиялар билан соғлом рақобатда ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилик принципларига таянади.

Диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз кураш олиб боради. «Миллий тикланиш» партияси сўз эркинлиги, Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш йўлидаги ҳаракатларда ишончли кураш майдонидир.

Баркамол ёшларни шакллантириш соҳаларида партиянинг ўз қатъий йўналишлари белгиланган.

Ёшлар руҳиятининг беқиёс юксалиши йўлида тузилажак ёшлар «Миллий уйғониш» ташкилоти уларнинг ҳар жабҳада Ватаннинг суянган тоғлари бўлишга имкон яратади. Зеро, келажак эгаси ёшлардир.

«Миллий тикланиш» партияси ана шундай эзгуликлар, нурлар майдонини ўзида жамлаган, кўзи очиқ кетган буюк зиёлиларимиз армонларини рўёбга чиқарадиган, миллий афзаллик сиёсатини олиб борадиган, партия раҳбари И. Ғафуров таъкидлаганидек: «муҳтарам Президентимиз етук зиёлиларимизнинг бағридан дунёга келган партиядир».

**Шарифа САЛИМОВА**

# САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Сайлов ҳар бир мамлакатда демократия қай даражада амал қилишини кўрсатувчи, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими жаҳонда эътироф этилган демократик сайлов тамойилларига амал қилган ҳолда, ўзбек давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларини акс эттира оладиган даражада ижтимоий воқеъликдир.

Демократик сайлов фуқароларга кенг ҳуқуқ ва имкониятлар берар экан, ҳар бир фуқаро шу ҳуқуқ ва эркинликдан тўғри фойдаланганда, ўз ҳуқуқини амалга оширишга масъулият билан қараганда, умумий манфаатни шахсий манфаатдан устун қўйиб, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликдан холис бўлгандагина кутилган ижобий натижа беради. Бу сайлов ҳуқуқига ҳам тўла тааллуқлидир. Акс ҳолда сайловлар жамиятнинг бўлиниб кетишига, турли қарама-қаршиликлар келиб чиқишига, ҳатто қон тўкилишига олиб келишини жаҳон мамлакатлари тажрибасида кўплаб учратиш мумкин. Узоққа бормай, шу кунларда Қорачай —Черкесияда президент сайлови натижасида икки миллат ўртасида тўқнашув вужудга келганлигини кўрсатиш мумкин.

Сайлов қонунларимиз фуқароларга кенг ҳуқуқ бериб сайловнинг энг муҳим хислати — танлаш ҳуқуқини таъминлашни кўзда тутиб, сайловлар муқобиллик асосида ўтишига имконият яратган экан, эндиги вазифа шу имкониятдан тўғри фойдаланишдир. Бунинг учун жуда катта тушунтириш ишлари олиб бориш, сайловнинг моҳияти ва мақсадини сайловчиларга тўла етказиш, масалага ғоят жиддий ёндошиш зарур.

Сайловда шахсий, маҳаллий, партиявий манфаатдан умуммиллий манфаатларни устун қўйиш, кураш ҳалол олиб борилиши, ғалаба учун фақат қонуний йўллардан фойдаланиш, рақибларни ҳурмат қилиш, ҳалол кураш натижасида мағлуб бўлганда мағлублик сабабини аниқлаш, ўз фаолиятига танқидий баҳо берилгандагина жамиятнинг кейинги тараққиётида бўлиниб кетишлар, қарама-қаршиликлар вужудга келмаслигини ҳар бир сайловчи, номзод, партия аниқ тушуниб етиши энг муҳим масаладир.

Бўлажак сайловлар жаҳон андозаларига мос тушувчи, аввалгига қараганда анча такомиллаштирилган сайлов қонунлари асосида ўтиши кутилмоқда.

Сайлов қонунларига киритилган ўзгартиришлар биринчидан, сайловнинг барча жараёнларида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлашга; иккинчидан, сайловларнинг янада ошкора ўтишини таъминлашга; учинчидан, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш имкониятини кучайтиришга; тўртинчидан, сайловларнинг адолатли ўтишини, овоз натижасини аниқлашда ҳар қандай кўз бўямачилик, ғирромлик бўлмаслигини таъминлашга қаратилди.

Аввалги сайловда фуқаролар фақат номзодларни муҳокама қилишда ва овоз беришда бевосита қатнашган бўлса, қонунларга киритилган ўзгартиришлар натижасида вакиллик органларига сайловда фуқаролар бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдики, бу бир томондан, фуқароларнинг сайлов жараёнида бевосита иштирокини кенгайтирган бўлса, иккинчи томондан, бу қоида жаҳон тажрибасига мос тушади ва учинчидан, партиясиз фуқароларга ҳам сиёсий ҳаётда кенг иштирок этиш имкониятини беради.

Энди фуқаролар сиёсий партиялар ва вакиллик ҳокимияти органлари кўрсатган номзодни муҳокама қилиш ва уларга овоз бериш билан чекланмасдан, ўзлари хоҳлаган кишини номзод қилиб кўрсатиш ва унга овоз бериш имконияти вужудга келди. Бу тартиб сиёсий партияларни сайловларга янада жиддий тайёргарлик билан боришга ундайди.

Қонунларда сайловларнинг барча жараёнларида кузатувчилар иштирок этиши (уларнинг таркибида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар вакиллари ҳам бўлади), кузатувчиларнинг ваколатлари аниқ белгиланганлиги мамлакатимиздаги сайловларнинг янада ошкора ўтиши Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунга киритилган биргина ўзгартиришнинг ўзи — яъни сайлов ўтказиш муддатини аввалги 40 кун ўрнига 3 ой қилиб белгиланиши, сайловнинг пухта ва демократик ўтказишга сабаб бўлади, шошма-шошарлик натижасида вужудга келадиган хатоларнинг олдини олади.

Ҳамма мамлакатларда сайловларга баҳо беришда, сайлов натижаларини холислик билан аниқланиши, овоз натижасига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олувчи кучли воситалар белгиланганлиги ҳисобга олинади. Бу масалага ҳам қонунларга киритилган ўзгартиришда эътибор берилди. Сайлов бюллетенларини овоз беришга 3 кун қолганда сайлов участкаларига етказиб бериш, сайлов участкаларига бериладиган бюллетенлар сонини рўйхатдаги сайловчилар сонига қараганда 0,5 фоизгина кўп бюллетен берилиши ва сайлов қутисига ташланадиган бюллетенларнинг чеккасида сайлов комиссияси аъзоларидан икки киши имзо қўйиб, муҳр билан тасдиқланиши, овоз беришда ортиқча бюллетенлар ишлатилишининг олдини олади.

Бу белгиланган қоидаларнинг барчаси сайловларнинг демократик, эркин ва онгли ўтишига олиб келади. Бизнинг сайлов тизимимиз сайловларда сайловчиларнинг эркин, онгли ва фаол иштирок этишига асосланади.

Сайловларни ҳақиқий деб ҳисоблаш учун албатта овоз беришда сайловчиларнинг 50 фоизидан ортиғи қатнашиши кераклиги сайловчиларнинг фаол иштирокига ишончдир. Айрим мамлакатларда сайловчиларнинг 25 фоизи овоз беришда иштирок этганда ҳам сайлов ҳақиқий саналади. Бундай кам миқдорнинг ўрнатилиши, шу мамлакатларда фуқаролар сайлов натижаларига бефарқ қараши, манфаатдор эмаслиги сабабли сайловларда иштирок этмаслиги натижасида вужудга келган.

Сайловларнинг эркинлиги овоз беришнинг ихтиёрийлиги билан таъминланган. Овоз беришда иштирок этмаганлиги учун ҳеч қандай чора кўрилмайди. Шундай мамлакатлар борки, сайловда сайловчиларнинг иштирокини кўпроқ таъминлаш мақсадида овоз беришнинг мажбурийлиги ўрнатилган. Овоз беришда иштирок этмаганлар учун турли жазолар ўрнатилган. Жумладан, Австралияда овоз беришда иштирок этмаган фуқароларга жарима солинади. Аргентинада жарима солиниб, 3 йилгача муддат давомида давлат мансабига қўйилмайди. Греция ва Туркияда овоз беришда иштирок этмаганларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин.

Бизда эса овоз бериш тўла равишда ихтиёрликка асосланади, унинг ҳуқуқийлиги тўла намоён бўлади. Лекин ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш онгли бўлганда, шу ҳуқуқдан ҳар бир фуқаро масъулият билан узоқни кўзлаб фойдалангандагина унинг самараси бўлади. Ўзбекистонда ўтган сайловлар фуқароларнинг юқори даражада фаоллигини кўрсатган. Ишонамизки, бу сайловларда ҳам фуқаролар фаол иштирок этади. Энди фақат фаол иштирокнинг ўзи кифоя эмас, иштирок онгли бўлсагина,кўзланган мақсадга эришиш, парламент ва бошқа вакиллик органларига энг муносиб кишиларнинг сайланишига олиб келади.

**Озод ҲУСАНОВ,**
**юридик фанлари доктори**

*Тикланиш дарсликлари*

# БИЗ КУТГАН ДАРСЛИК

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан республикамизда умумтаълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар бошқа ўқув фанлари билан бир қаторда адабиётдан ҳам ўқув дастурлари тайёрлаш ва бу дастурлар асосида дарсликлар яратишни асосий вазифа қилиб қўйди. Яратилган янги дастурлар тажриба-синовдан ўтказилиб, босқичма-босқич дарсликларни ҳам ўқитувчи ва ўқувчиларга етказиш долзарб муаммолардан эди. Шунга кўра тез орада 5-6-синфлар учун адабиётдан дарслик—мажмуа яратилиб, бу муаммо ҳал этилди.

Дастур ва дарсликлар мазмуни асосан ўқувчиларни эркин, ижодий ва мустақил фикрлашга йўллаш билан бирга уларни адабиётнинг эстетик қийматини англаш, савиясини шакллантиришга қаратилган.

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган 6-синф учун «Адабиёт» дарслик-мажмуаси — ҳозирги даврда янгиланган педагогик тафаккур талаблари асосида яратилган бўлиб, унга «Умумий ўрта таълимда адабиёт ўқитиш концепцияси» ҳамда «Умумий ўрта таълим «Адабиёт» дастурлари учун давлат стандартлари» асос бўлди.

Дарсликнинг муваффақиятларидан бири ҳозирга қадар адабиёт дарсликларида ҳукм суриб келган ягона ва ҳал қилувчи фикрни ўқитувчи айтиб, ўқувчининг эса тайёр билимга эга бўлиши ҳамда мажбурий хулосалар чиқаришига чек қўйганидир.

Дарслик—мажмуа материаллари, ундаги савол ва топшириқлар бир бутун ҳолда ўқувчининг ўз фикри, ўз қарашини ифода этишга, ўз хулосасини чиқаришга ва бу фикрларини бадиий асар матнига таянган ҳолда асослай олишга йўллайди. Бу эса ўқувчиларда билим олиш иштиёқини оширади, маънавий шакллантиради, уларда эзгулик ва нафосат туйғуларини таркиб топтиради.

Дарслик — мажмуада ўзбек адабиётининг сара намуналари ва жаҳон адабиётининг бадиий юксак асарлари, адабий-назарий материаллари танланган бўлиб, булар «Бола учқур хаёл соҳиби», «Кечаги кун — сабоқ», «Сўзда ҳикмат бор», «Туйғуларнинг камалак ранги» рукнларида жамланган.

Барча танланган адабий ва илмий-назарий материаллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, руҳий имкониятлари, тафаккур даражалари, салоҳиятини назарда тутган ҳолда бир тизимга солинган. Уларнинг барчаси соддадан мураккабга қараб боради ва танланган материалларнинг тили ва бадиий юксаклигига эътибор берилган. Булар хоҳ халқ оғзаки ижоди намуналари бўлсин, хоҳ ёзма адабиёт намуналари бўлсин ўқувчиларни бадиий асар матни устида ишлаш жараёнида асар қаҳрамонларининг руҳий кечинмалари ва хатти-ҳаракатларини таҳлил этишга, муносабат билдиришга, фикр айтишга ўз қарашларини бадиий матндаги мисоллар воситасида асослашга, хулосаларини тўғри ифодалай олишга ўргатади ва болаларда айнан шу хислатларнинг таркиб топишига туртки беради. Бу дарслик билан ишлаётган ўқувчи оддий тингловчи эмас, балки дарсда фаол иштирокчи, ижодкор ўқувчи даражасида ҳаракат қилади.

«Адабиёт» дарслик — мажмуасига киритилган Алишер Навоий, Гулханий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Азим Суюн, Тоғай Мурод каби адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ҳам болалар қизиқадиган тарзда, улар босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли ва асарлари қатида беркиниб ётган фикр-туйғулари асосида берилган.

Танланган матнлар эса болаларни бадиий сўз санъатининг жозибасидан баҳраманд бўлишга, мустақил фикрлашга, мушоҳада юритишга йўллайди.

Айниқса, муаллифларнинг дарслик яратишда ўзига хос йўл танлагани матнлар мазмунини пухта ўзлаштириш юзасидан берилган савол ва топшириқларда ҳам кўринади. Савол-топшириқлар устида ишлаш жараёнида ўқувчиларнинг бадиий асар ёки ундан олинган парчанинг асл моҳиятини очиш, қаҳрамонлар кечинмаларини қалбан туйишга, ёзувчи бадиий маҳоратини англашига ёрдам беради ва болани матн устида мустақил, ижодий, эркин фикр юритишга, бадиий адабиётнинг бадиий-эстетик жиҳатларини ҳис этишга йўллайди. Булар дарслик-мажмуанинг фазилатларидир.

Лекин дарслик—мажмуа билан танишар эканмиз, бизда баъзи мулоҳазалар ҳам пайдо бўлдики, дарслик—мажмуа кенг синовдан ўтгандан сўнг уни такомиллаштириш жараёнида бу мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

1. Маълумки, дарслик яратишнинг ўз талаблари, тамойиллари мавжуд. Шулардан бири ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, миллий тарбия тамойилларини ҳисобга олишдир.

Дарслик учун танланган халқ қўшиқлари эса, умуман 6-синф ўқувчиларининг ёши, савиясига тўғри келмайди. Тўғри, «Сунбула» ҳам, «Йўл бўйсин» ҳам, «Галдир» ҳам, «Наманганнинг толлари» ҳам, «Рўмолчам» ҳам халқимиз яратган, бадиий сайқал топиб, оммалашиб кетган яхши



қўшиқлар. Энди бу қўшиқларни 11-12 ёшдаги ўғил-қизлар ўтирган синфда ўрганилишини тасаввур қилиб кўрайлик: Ўқувчи ўқитувчига

**«Ўчоқ бошида қумғон,**
**Атрофи баланд қўрғон,**
**Ёргинамга етолмай,**
**Юрак бағрим бўлди қон»**

мисраларини изоҳлаб беринг», деса ўқитувчи нима деб изоҳлайди?

Ёки,

**«Ваъдалар шундаймиди,**
**Ўлмай туриб айрилгани...»**

Ёки

**Мен ёмондан айрилиб,**
**Яхшини топганинг қани?»**

Ёки

**Боғ оралаб ёр келади қамчи билан-о,**
**қамчи билан,**
**Қиз болани қизиқтирар муччи билан-о,**
**муччи билан.**

Ўқияпман-у бир педагог сифатида ўйлаб қолаяпман. Ўқитувчи ўқувчига бу мисраларни ўқиб бераётганида (айниқса кейингисини) ўзини қандай ҳолатда тутар экан. Ахир, ўқувчига (айниқса 6-синфда), фақат ишқ-муҳаббат мавзусидаги қўшиқларни бериш шартмиди?

Халқ қўшиқлари турли мавзуларда исталганча топилади-ку.

2. «Аския»ни дарсликка киритиш шарт бўлмаса керак. Бу жанр фақат ўзбек халқи, ўзбек тилига хос бўлгани билан барибир ўзбек халқининг ҳам Фарғона водийси, Тошкент вилояти аҳолисига хосдир.

Бошқа вилоятларда достончилик, халқ қўшиқлари, латифалар, афсона, эртаклар каби жанрлар ривожланган. «Аския»га киритилган пайровлар ҳам зўрма-зўраки мисоллардир. Ҳақиқий аскияни ўқувчининг ўзи эшитиб, иқтидорли бўлса, ўзи тўқиб жавоб қилиши, аскиячиларга эргашиши мумкин. «Кино», «Китоб», «Кўприк», «Ашула» пайровлари — булар ёзма тарзда майдонга келган аскиялардир. Шунингдек, уларнинг бадиий таъсири суст. Уларни эшитган тингловчи кулмайди ҳам.

3. Дарслик—мажмуада таҳрирталаб ўринлар ҳам учрайди.

Масалан, «Кириш»нинг биринчи хат бошисида «Келажагини ўтмиши қадар юксак қилмоқчи бўлаётган халқимиз тақдири ҳақида айтилаётган фикрга тобора кўпроқ тушунадиган бўлиб бормоқдасиз», деган жумла тузатилиши лозим. Халқимиз ўтмиш қадриятларини ўрганиш орқали буюк келажак яратмоқда. Ҳеч қачон ўтмиш келажакдан юксак бўлмайди. Бунга ҳаёт мантиғи йўл бермайди. 4-бетнинг 3-хат бошисидаги иккита гапнинг «йўл қўйиб келинди», «имкон берилди» кесимлари тузатилиб ёзилиши лозим. Бу ўринда, гўё халқимиз бошига тушган салбий ҳодисаларга ўзга халқ эмас, ўз халқимиз сабабчи бўлиб қолгандай тушунилади. 4-хат бошининг ўрталарида ҳам шу каби фикр таъкидланади.

«Кириш»нинг 4-саволи (8-бет) 6-синф ўқувчисига эмас, ўртача савиядаги адабиёт ўқитувчисига ҳам оғирлик қилади.

4. Баъзи мавзуларга оид савол ва топшириқлар жуда ҳам кўпайтириб юборилган («Оқ кема»да 32 та, «Афандининг қирқ пашшаси» бўйича 33 та, «Юлдузлар мангу ёнади» бўйича 40 та). Гап унинг сонида эмас, салмоғида. Шунга кўра ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга йўллайдиган, бадиий асар матнининг бадиий-эстетик таҳлилига доир савол ва топшириқлар эвазига мухтасарлаштириш мумкин.

5. Баъзи асарларни ҳозирги давр миллий мафкурамиз талаби нуқтаи назаридан болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда келгуси нашрларда алмаштириш (Зулфиянинг баъзи шеърлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикояси в.б.), баъзи мавзуларнинг матнлари мазмунини бериш мақсадга мувофиқ (масалан, Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асари).

Лекин бу мулоҳазалар собиқ ўн етти йиллик адабиёт ўқитувчисининг шахсий мулоҳазалари. Муаллифлар эса дарслик—мажмуани замон талаби даражасида тузишга бор куч-қуввати, билими, салоҳиятини аямаган. Ундаги материалларнинг деярлик кўпчилигини тажриба-синов жараёнида ўқитувчилар илиқ кутиб олдилар. Республика Халқ таълими вазирлигининг мутасадди мутахассислари юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларимни эътиборга олган ҳолда, келажакда бундай хатоликларга йўл қўймайдилар деб ўйлайман. Муаллифларга эса уни янада такомиллаштиришда куч-қувват тилаймиз.

**Санобар НИШОНОВА,**
**педагогика фанлари доктори**

*Қутлов*

# ЯХШИЛИК ҲАМДАМИ

Мудроқ қалбларда юксак инсоний туйғулар уйғотиш, инсоният манфаатларига дилда ҳамдардлик, хизмат ҳисси ҳосил қилмоқ учун тирикчилик ғамларию фойдага ихлосмандликдан фидойилик қирғоғига ўтмоқ талаб. Кўзларида самимият олови чақнаб турган, вазмин, ҳаёт ва нафосат ҳодисасини эркин англаб ета оладиган, фикр туйғулари нурланиб турувчи мураббий Ҳамдам Абдуллаев ҳақида сўз айтар бўлсак, ана шундай фидойилик уммонининг таърифига чоғланамиз.

Устоз олим Ҳамдам Абдуллаевнинг қарийб 40 йиллик ижтимоий педагогик ва илмий фаолияти Урганч Давлат университети (собиқ педагогика институти) билан чамбарчас боғликдир. У 1963-64 йилларда ёшлар қўмитаси котиби, 1965-74 йилларда ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири ва декан, 1974-76 йилларда Хоразм вилоят партия қўмитасининг ходими, 1977-81 йилларда педагогика институти проректори, 1981-83 йилларда кафедра мудири, 1992-94 йилларда Педагогика ва психология факултети декани, 1994 йилдан ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири ва Хоразм Маъмун академияси фаолият кўрсата бошлагандан буён у ерда етакчи илмий ходимлик қилиб келмоқда. У авваламбор малакали мутахассис, ўзбек адабиётшунослиги назарий фанлари — «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси», «Қардош халқлар адабиёти», «Адабий танқид тарихи»дан талабаларга сабоқ бериб келади. Айни вақтда вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш институтида мунтазам равишда маърузалар ўқиб, умумтаълим мактаблари учун ўзбек адабиётидан дастур ва қўлланмалар тузишда илму ғайрат билан қатнашади. Маънавият ва маърифатни, инсонийлик ва самимиятни, одамийлик ва олижанобликни, бадиий-эстетик оламни нечоғли бойитмоқни рақамлар билан ўлчаб бўлмайди. Ҳамдам оғани маънавият ва маърифат билан боғлиқ масалаларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Маънавият ва маърифат маркази, «Олтин мерос» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган аксарият тадбирларнинг ташаббускори сифатида суҳбатлари, мақолалари билан телерадиокомпания орқали бевосита халқ орасида чиқишлардан республикамиз аҳли яхши билади.

Унинг дастлабки мақолалари 60-йилларда нашр қилина бошлади. Аста-секин амалий фаолият завқи ўз назарий билимларини бойитишга ундади. Туркман мумтоз шеъриятининг асосчиси Махтумқули Фироғий ҳақидаги халқ афсона ва ривоятлари, ҳикоятларида бу севимли шоирга бўлган самимий муносабатни илғаб, унинг ёрқин фазилатларини, ўткир қобилиятини ҳис эта бошлади. Хоразм санъаткор ва бахшилари репертуаридан ўрин олган бениҳоя халқона ғазалларини йиғиб ўрганди. Шу асосда тадқиқот олиб бориб 1969 йилда «Махтумқули ва ўзбек адабиёти» мавзуидаги номзодлик ишини шоирнинг ватани Ашхобод шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертацияга ўзбек фолклоршунослик фани асосчиси Ҳоди Зарифов, Туркманистонлик академик Боймуҳаммад Қориев юксак баҳо берган эдилар.

Донишманд олим Ҳамдам ака қалбида қардош адабиётлар ва уларнинг фолклорини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган тизгинсиз бир иштиёқ пайдо бўлиб, унинг тафаккурини буткул банд этди. Устоз Натан Маллаевнинг маслаҳати, самимий хайрихоҳлиги билан қарийб 20 йиллик изланишларини «Ўзбек-Қорақалпоқ эпоси алоқалари ва типологияси» мавзуидаги докторлик диссертациясига жамлади ва уни ҳимоя қилди. Қадимдан ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқада бўлиб келган ўзбек ва қорақалпоқ достонларининг генетик илдизлари ва типологик жиҳатларини қиёсий-тарихий йўсинда ўрганиш, миллий эпоснинг тараққиётига таъсир қилган бадиий анъаналардаги муштараклик ва ворисийлик муаммолари фолклор анъаналари асосида тараққий қилган туркийзабон халқлар учун муҳим илмий-филологик аҳамият касб этар эди. Мовароуннаҳр ва Хуросон, шунингдек, шимолий орол бўйи қадимий халқлари ўзбек ва қорақалпоқ халқи генетик жиҳатдан узвий боғланган бўлиб, географик муҳит, тарихий тақдирларидаги муштараклик этник маданият муносабатларидаги тарихий илдизларнинг узоқ асрларга бориб тақалишини кўрсатади.

Олимнинг ўзбек ва қорақалпоқ эпоси алоқалари ва типалогиясига бағишланган тадқиқоти асосида халқ достонлари ва уларнинг вариантлари — «Ўзбек-қорақалпоқ фолклари алоқалари» ҳамда «Эпос» ва ижтимоий воқелик» китоблари майдонга келди, улар қиёсий фолклоршуносликка муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳамдам Абдуллаев — тафаккур дунёси, зако олами кенг инсон. Унинг 10 та алоҳида китоби, 50 дан ортиқ мақолалари Тошкент, Ашхобод, Нукус ва бошқа шаҳарларда ўзбек, туркман, қорақалпоқ ҳамда рус тилларида чоп этилган...

Олимнинг «Қадрият қатралари» монографиясида романтик эпос бадиияти, халфалар репертуари сингари долзарб масалалар қаторида бадиий ижоди нисбатан кам ўрганилган Раҳмат Мажидий, Аҳмад Бобожон, Омон Матжон, Эркин Самандар каби ижодкорларнинг айрим асарлари таҳлил қилинган.

Дарҳақиқат, олим адабий жараённи ҳамиша синчковлик билан кузатиб боради. Бу нарса хоразмлик адиблар ижодига билдирилган муносабатларда ҳам кўзга ташланади. Унинг «Хоразм адиблари» рисоласи адабий портретлар характерида бўлиб, уни Хоразм адабиётининг кичик қомуси дейиш мумкин. Чунки рисолада Хасрдан то ҳозиргача яшаган ёхуд шу заминда дунёга келган 70 га яқин адиблар ҳақида мухтасар маълумотлар берилади.

Ҳ. Абдуллаев К. Орипов билан ҳамкорликда узлуксиз таълим йўналишига доир «Қардош халқлар адабиёти» фанидан олий таълим даргоҳлари учун, А. Қодиров билан ҳамкорликда «Ўзбек адабиёти»дан умумтаълим мактаблари учун дастурлар тузди, нашр қилдирди. Ҳ. Абдуллаев илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, яъни ёш олимларни тарбиялаш ишига ҳам эътибори баланд устоз.

Умрининг қутлуғ 60 баҳорини қаршилаётган устоз Ҳамдам Абдуллаевнинг фикр-ўйини банд этган илмий педагогик режалар бисёр. Республикамизда кенг кўламда нишонланаётган Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига атаб шоирнинг илмий-тарихий ва бадиий-эстетик меросини ўрганиш бўйича туркум мақолалар тайёрлаш, қадим Хоразм тарихининг ас-Саолибий, Абу Райҳон Беруний каби қомусий олимлар асарлари ўрганилиши, шунингдек, зардуштийлар ватани бўлган Хоразм воҳаси фолклорини «Авесто» ва Фирдавсий асари қаҳрамонлари ҳақидаги диний-тарихий афсона ва ривоятлар билан қиёсий тадқиқ этиш, жонли адабий жараённинг бир неча вакиллари ижодига доир ишлар шулар жумласидандир. УрДУ Миллий тикланиш партияси раёсатининг фаол аъзоси, сўзи, фикри ўктам, миллатпарвар Ҳамдам акани муборак ёшлари билан қутлар эканмиз, умр мазмунига пайванд, Ватан иқболига туташ орзу-мақсадлари рўёбида устозга тансиҳатлик, куч-қувват тилаймиз.

**Зарифбой ДЎСИМОВ,**
**профессор**
**Раҳим ОТАХОНОВ,**
**жамоатчи мухбир**

# ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

**Давоми. Боши ўтган сонда**

*Қадим Шарқ манбалари*

## ДОСТОНИ ШАЙБОНХОН

Шайбонхоннинг ажойиб ва ғаройиб ишлари бисёр турур. Ул жумладин бир ишни бу мухтасарда (қисқача) ёд қилдик. Ул бир иши ул эрдиким, Қирим вилоятинда Қир Ери теган хоро офарин (тошметин) берк қалъа бор турурким, анинг берклиги ва мазбутлиқи оламда машҳур турур. Неча йиллар қабаб (қамал қилиб) уруш солдилар, ола билмадилар. Охир ҳукм қилдиким, ахшомдин сўнг тонг отқунча ҳар не ким овоз қилур, ани бирбиринга урушдуринг. Икки қўллариға олиб бир-бирига чақишдура бошладилар. Пақир-қозонларини, табақларини ва чаноқларини ура бошладилар. Қўлнинг ичинда (қўшин орасида) бу садо ва аломатлар қўпдиким, ер-кўк зилзилага келди, қулоқлар тунди. Қалъа халойиқлари саросар анг-танг бўлуб ҳар сору югурушдилар: «Не ҳол бўлди?» — теб. Ул ахшом тонг отқунча ул садо ва ул ғавғо тинмади. Қалъа халойиқлари ҳам ётиб ухламадилар. То тонгки отди, бас қилдилар. Яна ахшомки бўлди, бояқитек яна аломат ва ғавғо қўпордилар. То бир ҳафта — ўн кунга тегру иш — кучлари бу бўлди. Қалъа халойиқлари уйқусизлиқдин хароб бўлур эрди. Бу ғоятга тегру айтурларким: «Агар бир иш қилур бўлса, қилур эрдилар. Шояд, буларнинг бу ойларда ва бу кунларда расми ва одати бу тариқа бор бўлғай», — теб фароғат бўлдилар. Чун Шайбонхон билдики, булар фароғат бўлдилар, лашкарин йиғдурди. Айтурларки, ул қалъа бир яланг қоянинг устинда турур. Бу ахшом ғавғо ва садони кўпроқ қилди. Қалъанинг тўрт ёнидин чоқурлар солди. То тонг отқунча бир киши чиқар чоғли йўл қилдилар. Қалъа халойиқлари ғавғо ва садо жиҳатидин метин овозин маълум қилиб хабардор бўла олмадилар. Йўлак тайёр бўлғач, дарвозаға уруш солдилар. Қалъа халойиқлари югуриб дарвозаға келдилар. Бир жамоат баҳодирларни ул йўлға тайин қилиб турдилар, ул йўлдин югуриб чиққач, қалъага ўзин солдилар. Тақи қалъани олдилар. Ул қалъани кўрган раванда (сайёҳ)лардин сўрадуқ, ҳануз ул йўлнинг ҳудуди бор турур тедилар. Андин сўнг Улоқ вилояти устинга юридилар. Ани фатҳ қилдилар. Андин Кўрол вилояти устинга юрди. Кўрол азим улуғ вилоят турур. Анинг кўп урушлари бўлди. Оқибат фатҳ қилиб, Кўролни пойтахт қилди. Анда вафот бўлди. Тақи ҳоло (ҳозирда) Кўрол подшоҳининг авлоди турур. Шайх Аҳмадхон неча йил анда тутқун бўлиб, яна андин саломат чиқиб, ўз вилояти Ҳожи Тархонға (ҳозирги Астрахан) келди. Ул айтур экандур: «Бизнинг ўзбек тоифасинда ҳарки ўмоқли элки, бор турур, барчасидин анда бор турур. Шайбонхон бирла бориб анда қолиб турурлар».

Шайбонхон ҳикоятинки тамом қилдик, яна келдик Сойинхон ҳикоятиға. Сойинхон Дашт вилоятида улуғ подшоҳ бўлди, неча йиллар давлат-саодат бирла подшоҳлик сурди. Чун ажал етишиб дунёдин накл қилди эрса, икки ўғли бор эрди: бирининг оти Соритоқ; бирининг оти Тўғон эрди. Соритоқ ўзиндин бурун сакҳиз ёшда ўлиб эрди. Тўғон тақи ёш қолди. Беклар иттифоқ бирла Ҳалокухонға элчи юбордилар, қиличсиз ғилоф, ёқасиз кўнглак юбордилар, яни эл қолди — подшолари йўқ, заифалари қолди — эрлари йўқ. Ҳалокухон бу хабарни эшитди эрса, отланиб Ширвон вилоятиға келди. Тоқа азим лашкар ярoғин қилиб қўшун юборди. Бу лашкар ҳануз келмакда, биз келдик Беркахон алайҳир раҳма ва-р-ризвон ҳикоятинға.



## ДОСТОНИ БЕРКАХОН

Беркахони мазкур алайҳир раҳма машҳур турур. Онасиндин туғғондин бери мусулмон эрди. Ул маҳалдаки дунёга келди ўз онасининг сути, тақи ўзга кофир заифаларнинг сутини эммади. Бу жиҳатдин коҳинлар бирла билгаларини бақтурдилар. Улар айдилар: «Бу муҳаммадий турур. Муҳаммадия кофир заифа сутини эммаз», — тедилар эрса, бир мусулмон заифа файдо (пайдо) қилиб келтирдилар. Анинг сутини эма бошлади. Бу воқеадин неча йилдин сўнг отаси Йўжихон ўлди эрса, кофирлар орасинда юрий билмай, Сиғноқ шаҳринға келиб эрдилар. Ул вилоятғаким келдилар, шайхул олам Сайфиддин Бохарзийки, ҳазрат қутб ул-ақтоб Шайх Нажмиддин Кубронинг халифаларининдин турур, уларнинг авсофи ҳамидаларини (мақтовли сифатларини) эшитиб иштиёқ ва рағбат билан хизматлариға неча йиллар риёзатлар чекиб, авлиёларда камолининг ниҳоятини ҳосил қилиб эрди. Ҳануз шайхнинг хизматларида эрдилар, бу аснодаки Сойинхон ўлди, беклари иттифоқ қилиб Ҳалокухонға элчи юбордилар. Бир кун ҳазрати шайх Беркахонға айдиким: «Эй фарзанд! Худойи таолонинг амри андоғ бўлдиким, сен бориб оталарингнинг юртинда подшоҳлиғини қилғил». Беркахон теди: «Сизнинг хизматда табғоймен бўламан. Тақи яна бориб дунёнинг подшоҳлиғина тақи машаққитина ўзимни солғаймен?» Шайх айтди: «Агар тафарруқиға (айрилиғига) тушарсен, агар машаққатина тушарсен Худойи таолонинг тақдиринға чора йўқ турур», — теди эрса, хони мазкур ҳам бечора бўлуб қабул қилди. Бир неча кун яроғ қилиб чиқдилар. Ҳазрати шайх Бухородин Қоракўлга тегру узата келди. Хон шайхнинг жиловида фийода (пиёда) келдилар. Қоракўлдин шайх дуо қилиб қайтдилар. Хон Дашт вилоятинға мутаважжиҳ бўлдилар. Ҳожитархон вилоятинда Ҳожи Ниёз теган давлати машҳур киши бор эрди, ул айтур эрди: «Ҳазрати хон Қоракўлдин саккиз киши бирла чиқиб Дашт вилоятинға юридилар. Ул саккиз кишининг ҳар бириси минг уйга отом (бошлиқ) турур эрди».

Чун хон алайҳир раҳма Қоракўлдин чиқиб Урганж келди, Урганждин Саройчуқ борди. Айтурлар, Саройчуқға борғонда беш юз киши жам бўлдилар. Саройчуқдинки ўтдилар. Эдил дарёсининг ёқасинға еткунча минг беш юз киши жам бўлдилар. Чун Эдил дарёсининг ёқасинға ким келдилар, хабар топдиларким, Ҳалокухон азим лашкари билан Қулзум (Каспий) дарёсини ёқалаб кела турур, теб. Бу йиғилғон лашкари бедил бўлуб барчаси иттифоқ қилиб айдиларким: «Ҳалокухон улуғ подшоҳ турур ва азим лашкари бор. Биз оз киши турурбиз. Анга ўтру чиқиб урушмоқимиз маслаҳат бўлмағай». Айтурлар: Ул ҳолда хоннинг алинда (қўлида) бир қопсиз (ғилофсиз) қалқон турур эрди. Баъзилар айтур эрди: бир қопсиз тўлға (дубулға) турур эрди. Бир қўйнинг ошуқи ҳам ҳозир эрди. Хон буларнинг жавобинда айдиким: «Мен ўз райъим, ўз фикрим билан юриган киши эмас эрдим. Сизлар менга инонмай турурсиз. Ҳоло бу ошуқни қалқоннинг ё тўлғанинг қуббасинға ўз қўлимиз билан ўмқа қўйсак — худ тўхтамас. Эмди сизлар бирла биз бир шарт қилоли. Мен бу ошуқни бу қалқоннинг ё тўлғанинг қуббаси уза урайин. Агар буларнинг қуббаси уза ўмқа турса — худ билингки, бу ёғийни мен босармен (енгаман). Худойи таоло менга берур. Агар ўмқа турмаса, ҳар не сизнинг айтғонингиздин чиқмайин». Бу жамоат ҳам айдилар: «Агар ўмқа турса, биз ҳам сизга якжиҳат бўлоли, то жонимиз боринча».

**Ғулом КАРИМ нашрга тайёрлади.**
**Давоми бор**

# ДОРИМИЙДАН НИМА ҚОЛГАН?

*Кўҳна манбалар. Тадқиқотлар*

Имом Шайх ул-Ислом ал-Ҳофиз ал-Кабир (улуғ Қуръон ҳофизи) Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримий — машҳур муҳаддисларнинг еттинчиси, ҳозиргача кўпчилик олимлар тан олган ва олтита буюк ҳадис олимлари қаторида зикр қилиб келинаётган муҳаддис — аллома.

Кўпроқ ад-Доримий номи билан машҳур бу улуғ зот 181 ҳижрий (797 милодий) йили Самарқандда туғилган. Ёшлигиданоқ илм-фанга, айниқса ҳадис илмига қизиқиб, ўз юртида устозлар қўлида етарли даражада Қуръон ва ҳадисдан таълим олди. Қуръонни тўла ёдлагани учун ал-Ҳофиз ал-Кабир номини олган. Ундаги чуқур ва мустаҳкам эътиқод, тақво ва камтарлик ёшлигиданоқ сезилиб турарди. Бошқа машҳур муҳаддислар каби ад-Доримийдаги илмга чанқоқлик олимни ўша даврдаги ислом дунёсини, унинг машҳур шаҳарларини кезиб чиқишга ундади. У Миср, Шом (Сурия), Ироқ, Араб ярим ороли ва бошқа жойларда бўлди. Ўз даврининг йирик муфассир ва муҳаддислари билан танишди. Уларнинг илмидан истефода этди, пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадисларини тўплади ва ёд олди. Тез кунда кўзга кўриниб, ҳадис, тафсир, фиқҳ ва бошқа фанлар соҳасида ислом оламида танила бошлади.

Ад-Доримий илм учун яратилган, бошқа ҳамма мансаб ва ҳузур-ҳаловатдан воз кечган инсон бўлган. Бир вақт Самарқанд ҳокими буйруғи билан шаҳар қозиси лавозимига тайинланади, лекин бундай юқори мансабдан воз кечиб, илмий ишлари билан шуғулланади.

Ад-Доримий замонасининг машҳур ҳадис олимларидан дарс олган. Имом Муслим, Абу Довуд, Абу Ийсо Термизий ва ан-Насоийлар унинг шогирди бўлишган.

Ад-Доримий номи унга замондош бўлган ва кейин яшаган буюк муҳаддислар асарларида фахр билан зикр қилинган. Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобидан бошқа ҳамма асарларида, Муслимнинг «ас-Саҳиҳ» тўпламидан ташқари ҳамма китобларида, Абу Довуд, ат-Термизий, ан-Насоийларнинг «ас-Сунан» номи билан аталган ҳадис тўпламларида ва бошқа китобларида ад-Доримий номи тилга олинган, йирик муҳаддис сифатида зикр қилинган.

Ад-Доримий милодий 869 йили Марвда вафот этган ва ўша ерда дафн этилган.

Ад-Доримий ижодий меросидан Қуръонга ёзилган тафсир, «Ал-Муснад» («Манбаъ») номли ҳадислар тўплами бизгача етиб келган. «Ал-Муснад» китоби «Сунан ад-Доримий» («ад-Доримий тўплаган ҳадислар») номи билан машҳур.

Юқорида зикр қилганимиздек, ад-Доримий ҳаётлик давридаёқ замондошларининг ҳурматига сазовор бўлган эди.

Ад-Доримий ҳақида Абу Ҳомид ибн аш-Шарқий шундай деган: «Хуросон ислом оламига бешта буюк илоҳиётчиларни — ҳадис олимларини етказиб берди: Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Можа, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримий, Муслим ибн Ҳажжож ал-Қушайрий ва Иброҳим ибн Абу Толиб».

Ҳанбалий мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855) билан унинг ўғли Абдуллоҳ орасида бўлган ажойиб савол-жавоб сақланиб қолган:

— Дада, ҳадис билимдонлари кимлар?

— Эй болам! Бир вақтлар биз билан хуросонлик ёшлар бўлишган эди, кейинчалик турли томонларга тарқалиб кетишди.

— Уларнинг номлари нима эди?

— Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абдуллоҳ ибн Абдулкарим Абу Заръа ар-Розий, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий, Ал-Ҳасан ибн Шужоъ ал-Балхий...

— Улардан қайси бири энг кўп ҳадисларни билган?

— Абу Заръа бошқаларга нисбатан кўпроқ манбаъларни, ал-Бухорий — ҳадисларни, ад-Доримий ровийларни (айтиб берувчиларни), ал-Балхий — ҳадисларни бобларга ажратишни кўпроқ билганлар.

Абу Ҳотим ар-Розийнинг эътироф этишича, Имом ал-Бухорий Ироқда бўлган олимлар орасида энг билимдонидир: Муҳаммад ибн Яҳё — шу кунда Хуросонда; Муҳаммад ибн Сулайҳ — энг олижаноб, ад-Доримий эса энг букилмасдир».

Шарофуддин ан-Нававийнинг (ваф. 671/1271) эътиборли фикрига қараганда «Ад-Доримий ўз замонасида фазл ва ҳадисларни ёдлаб олишда ҳар ким ҳам у билан тенглаша олмайдиган кишилардан бўлган».

Ибн Можанинг бешта машҳур «ас-Саҳиҳ»лар муаллифлари қаторига биринчи бўлиб қўшган ал-Фазл ибн Тоҳир бўлган. Ундан кейин ислом оламининг бошқа олимлари унинг фикрига қўшилдилар. Баъзилари эса олтинчи ўринни моликий мазҳаби асосчиси Молик ибн Анас (712—795) билан ад-Доримийга ажратдилар. Ибн Можага нисбатан ад-Доримийга устунлик берадиган олимлар унинг китобида келтирилган ҳадислар Ибн Можанинг «Сунан»идаги ҳадисларга нисбатан ишончлироқ деб ҳисоблайдилар, улар яна Ибн Можа ҳадислари ад-Доримийдан кейин тўпланганига ҳам диққатни жалб қиладилар. Яна шу билан бирга ад-Доримийда ровийлар сони анчагина камлиги ҳам унинг ҳадислари аниқ ва ишончли эканлигига гувоҳлик беради. Шу муносабат билан Салоҳуддин ал-Алоий «Агар ибн Можа ўрнига ад-Доримийни олтинчи қилиб қўйишганда, бу ўринли бўларди», деб таъкидлайди.

Шайх Абдулҳақ ад-Деҳлавий фикрича, ад-Доримий тўпламида манба сифатида энг ишончли ровийлар номи келтирилганлиги, кучсиз ҳадислар камлиги, пайғамбар (с. а. в.)га бориб етадиган ҳадислар фақат учта манба асосида берилганлиги Имом Бухорийга нисбатан ҳам кўп эканлиги учун уни олтита машҳур муҳаддислар қаторига қўшишган деб ҳисоблайди.

Ал-Мўғултоий ибн Қилич (ваф. 1361) ёзишича, бир қанча обрўли уламолар ад-Доримий «Муснад»ини «ас-Саҳиҳ»лар қаторига қўшишган, ўзи ҳам ад-Доримийни Ибн Можа ўрнига олтинчи муаллиф деб атовчилар томонида турган.

Ад-Доримий ҳақида айрим машҳур ҳадисшунос ва фақиҳлар фикрларини келтирдик. Ҳадис тўплаган ва «Саҳиҳ» китобларини ёзган олтита буюк муҳаддислар қаторига унинг қўшилиши ёки қўшилмаслигидан қатъий назар, ад-Доримий Ислом оламида тан олинган, унинг машҳур «Муснад» ҳадислар мажмуаси минглаб нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда, кейинги вақтларда кўплаб нусхаларда чоп этилмоқда. Бу нодир асар ҳозиргача диний мадраса ва университетларда ўқилиб келинмоқда, бу мажмуа ва муаллифи ҳақида мақола, рисола, китоблар яратилмоқда.

Самарқанднинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан марҳум Ҳ. Ҳикматуллаев иккимиз «Самарқандлик олимлар» деган рисола чоп эттирдик. («Фан» нашриёти, 1969) ва унда ад-Доримий ҳақида қисқа маълумот бериб кетдик (10-бет). Шарқшунос ва исломшунос олим Шамсуддин Бобохонов араб тилида «Ас-Сиҳоҳ ас-ситтату ани-с-салом ва-с-садоқа байна-ш-шуъуб» (Москва, Внешторгиздат, 1982) — «Олтита «Саҳиҳ» китоби халқлар орасида тинчлик ва дўстлик ҳақида» китобини нашр этишга муваффақ бўлди. Асарга еттинчи ҳадис олими сифатида ад-Доримий ҳам киритилган. Унинг таржимаи ҳоли ва тўплаган ҳадисларидан намуналар берилган (189—205-бетлар).

Мустақиллик туфайли динимиз тикланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд каби буюк сиймоларнинг мақбаралари қайтадан тикланиб, таваллуд кунлари жаҳон миқёсида тантана билан нишонланди, уларнинг асарлари кўплаб миқдорда ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Ш. Бобохоновнинг ад-Доримийга бағишланган юқоридаги асари «Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами» номи билан рус тилига таржима қилиниб чоп этилди (Издательство народного наследия имени Абдуллы Кадырий, Ташкент — 1998).

Шу йил апрел ойида Имом ал-Бухорий зиёратига Самарқандга борган эдик. Самарқандлик дўстларимиз ад-Доримий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш ниятида эканликларини маълум қилишди. Имом Муслим, Абу Довуд, Абу Ийсо Термизий ва ан-Насоийлардек буюк муҳаддислар устози бўлган Абу Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ас-Самарқандий ад-Доримий таваллуд тўйини бутун республикамиз миқёсида кенг нишонланади, деган умиддамиз. Бу маънавият ва маърифат соҳасида қилинган яна бир муҳим воқеа бўлиши муқаррардир.

**Ҳожи Исматуллоҳ**
**АБДУЛЛОҲ**



## БИР-БИРИНГИЗНИНГ БОШИНГИЗНИ ҚИРҚМАНГ!

### АД-ДОРИМИЙ ТЎПЛАГАН ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

**1. Ўзи ёқтирган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрган кишигина мўъминдир.**

2. Пайғамбар (с.а.в.) дан сўрадилар: «Энг яхши одам ким?» Жавоб бердилар: «Ким узоқ яшади ва яхши ишларни қилди». Сўрашди: «Энг ёмон одам ким?» Жавоб бердилар: «Ким узоқ яшадию ёмон ишларни қилишдан тийилмади».

**3. Ўзингнинг золим ёки мазлум биродарингга ёрдам бер. Агар золим бўлса, ундан қайтарсанг, унга ёрдам берган бўласан ва агар мазлум бўлса, унга ёрдам бер.**

4. Сизлардан ҳеч ким ўлимни тиламасин. Агар у саховатли одам бўлса, яхшиликни давом эттираверсин ва агар у ёмон бўлса, эҳтимол у жавоб қилар.

**5. Қаерда бўлсанг ҳам, Оллоҳдан қўрқ. Агар ёмонлик қилсанг,уни ювиш учун яхшилик қилиб қўй. Одамлар билан яхши муомилада бўл.**

6. Оллоҳ таоло ҳамма ишларда олийжаноблик ва мулойимликни ёқтиради.

**7. Оллоҳ хузурида энг яхши дўст-ўз дўстлари билан яхши муносабатда бўлгани ва энг яхши қўшни ўз қўшниларига яхши муносабатда бўлгани.**

8. Омонатни эгасига вақтида топшир, сенга хиёнат қилган кишига парво қилма.

